

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2026 йил апрель ойининг 7 куни, жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди, “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Хоразм бўлинмаси Боғот туман бўлими биносида, сайёр суд мажлисида, шу суднинг раиси Б.Якубовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Курбановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Боғот туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Самандаров, фуқаровий даъвогар О.Юсупов ва гумон қилинувчи Қ.Атажоновларнинг иштирокида

Атажонов Қувондик Қўзиевич (Atajonov Kuvondik), 1971 йил 23 апрель куни Боғот туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Боғот тумани бўлими тезкор-чакирув бригадасида навбатчи электромонтёр вазифасида ишлайди, Боғот тумани, “Меҳнат гули” маҳалласи, Зукколар кўчаси, 11-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-2205-2601/47-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра гумон қилинувчи Қ.Атажонов, “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Боғот тумани бўлими ходимлари томонидан 26.01.2026 йилда ўтказилган ўрганишда, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 май кунги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли Қарорига асосан 1-илова билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” қоидаларининг 133-банди талабларига зид равишда 2023 йил 27 январь кунидан 2026 йилнинг 26 январь кунига қадар, яъни 1.095 кун давомида суткасига 24 соатдан тўлиқ қувват билан яшаш хонадонида бўлган қуввати 1.06 кВт бўлган 1 дона электр печи, қуввати 1.5 кВт бўлган 1 дона сув иситиш ускунаси, қуввати 0.55 кВт бўлган 1 дона сув насоси, қуввати 3,0 кВт бўлган 1 дона иситгичли смеситель ва қуввати 0.05 кВт бўлган 10 дона лампочка, жами қуввати 6.16 кВт бўлган электр ускуналарни умумий фойдаланишдаги электр-энергияси тармоғига электр таъминоти шартномасини тузмасдан, электр тармоғига ўзбошимчалик билан улаб, ноқонуний равишда 145 минг 577,9 квт.\*соат электр энергиясидан фойдаланиши оқибатида “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Хоразм бўлинмаси ҳамда давлат ва жамият манфаатларига жами **61 млн 498 минг 170 сўмлик** анча миқдорда зарар етказиш жиноятини қасдан содир қилган.



Дастлабки тергов органи томонидан Қ.Атажонов ўзининг бу жиноий ҳаракати билан ЖК 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Қ.Атажонов ва фуқаровий даъвогар О.Юсуповлар ариза билан мурожаат қилишиб, унда жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Боғот туман прокурорининг 2026 йил 31 мартдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Қ.Атажоновга нисбатан ЖК 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан судга юборилган.

Гумон қилинувчи Қ.Атажонов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар О.Юсупов ҳам суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ҳозирда Қ.Атажоновга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги, уларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда гумон қилинувчи Қ.Атажоновни кечирганликлари, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, фуқаровий даъвогар О.Юсупов ҳамда гумон қилинувчи Қ.Атажоновларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, Боғот туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Самандаровнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Қ.Атажоновнинг айбига тўлиқ иқроплиги ва етказилган зарарнинг қопланганлиги, фуқаровий даъвогар О.Юсупов ҳамда гумон қилинувчи Қ.Атажоновларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва фуқаровий даъвогар хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда ЖК 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, гумон қилинувчи Қ.Атажоновга нисбатан юритилган жиноят ишини ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан ярашганлик муносабати билан тугатишни;

- шу билан бирга, суд фуқаровий даъвогар О.Юсуповга ЖПК 583-моддаси 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек суд, етказилган зарарларни қоплаш масаласини муҳокама қилиб, Қ.Атажонов томонидан жиноят оқибатида етказилган зарари учун Хоразм вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Хоразм вилоят



филиалидаги ҳисоб рақамига тўланган жами 61.498.170 сўм пул маблағлари “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Хоразм бўлинмаси Боғот туман бўлими ҳисоб рақамига ўтказилиб, давлат фойдасига ундиришни ва етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни лозим топади.

Бундан ташқари суд, ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини ҳам муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган 1 дона “DVD-R” дискни ЖПК 211-моддаси 6-бандига асосан сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб туришни;

- шу каби, ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган 1 дона, “201720053434” бўлган, “TOSHELECTROAPPARAT” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган, бир фазали электрон электр энергия ҳисоблагични тегишли тартибда йўқ қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми ҳамда 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчи Атажонов Қувондиқ Қўзиевичга оид жиноят иши ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси ва ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан тарафларнинг ярашганликлари муносабати билан тугатилсин.

Фуқаровий даъвогар О.Ю.Осуповга ЖПК 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Қ.Атажонов томонидан жиноят оқибатида етказилган зарари учун Хоразм вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Хоразм вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига тўланган жами 61.498.170 сўм пул маблағлари “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Хоразм бўлинмаси Боғот туман бўлими ҳисоб рақамига ўтказилиб, давлат фойдасига ундирилсин.

Етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган 1 дона “DVD-R” диск ЖПК 211-моддаси 6-бандига асосан сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган 1 дона, “201720053434” бўлган, “TOSHELECTROAPPARAT” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган, бир фазали электрон электр энергия ҳисоблагич тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида шу суд орқали Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида хусусий шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Б.Якубов**

